

Хаж зиёрати

08:00 / 10.08.2018 7502

Савол:

Ассалому алайкум! Менинг онам 62 ёшда. Хаж зиёратига ёлғиз ўзи махрамсиз борса бўладими? Шундай фатво бор деб эшитдим.

Жавоб:

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ва алайкум ассалом!

Шофеъий мазҳабидагилар фақат [ҳаж](#) учун жоиз деганлар. ҳанафий мазҳабининг катта имомлари бунга рухсат бермаганлар. Мутааххир уламолардан Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳнинг мазҳабини қўллаган кишилар ҳам бор. Аёл киши ҳаж сафарида махрамига муҳтож бўлиши тажрибада кўп кузатилган. Валлоҳу аълам!